

ЎТКИР ДАВЛЕТОВ

ЖАВОНИМДАГИ
ЖАВОҲИР



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

Тошкент

2017

УЎК: 821.512.133-84

КБК: 94.8(5Ў)

Д - 14

Давлетов, Ўткирбек

Жавонимдаги жавоҳир: ҳикматли сўзлар ва иборалар / Ўткирбек Давлетов. Сўзбоши муаллифи Улуғбек Ҳамдам. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2017. – 112 б.

ISBN 978-9943-20-284-9

Ҳаваскор ижодкор бўлишига қарамай Ўткирбек Давлетов қисқа муддат ичида навбатдаги китобини нашрга тайёрлади. Асосан, ҳикматли сўзлар ва иборалардан таркиб топган мазкур китоб муаллифдан тийран нигоҳ, кенг дунёқараш ва ҳароратли қалб талаб қилади.

Ушбу ҳикматлар мутолаасидан кейин ўқувчи Ўткирбек Давлетовда ҳам худди шундай фазилатлар борлигига амин бўлади.

Мазкур рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 821.512.133-84

КБК: 94.8(5Ў)

Сўзбоши муаллифи:

Улуғбек ҲАМДАМ

ISBN 978-9943-20-284-9

© Ўткирбек Давлетов, «Жавонимдаги жавоҳир». «Янги аср авлоди», 2017 йил.

БИТИКЛАР ЗАМИРИДАГИ ТИРИК МУНОСАБАТ

Қатралар, янқалар, томчилар, ҳикматлар, афоризмлар, мушоҳадалар, кузатувлар, ўйлар, фикрлар каби ўнлаб номлар билан аталади бу хил битиклар. Ўзбекнинг машхур ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ўз ҳаётий кузатувларини «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» деб номлаган эдики, адибнинг ҳошиядаги битиклари асарларидан кам машхур эмас. Кўзингиз тушган бўлса, манбаларда номи жаҳон аро тилларда дoston, Шарқнинг улуғ шоири ва олими Умар Ҳайёмнинг машхур рубоийлари ҳам математикага доир ёзувларининг четига, олим ақлий меҳнатдан ғоят чарчаган кезлар битиб қўйилган, дейилади. Тақдирнинг келишини қарангки, Умар Ҳайём тарихда олимдан кўра кўпроқ шоир бўлиб танилди, шоир бўлиб қолди (Унинг илмга қўшган ҳиссаси, асосан, тор доирадаги мутахассисларгагина аён). Руснинг улуғ ёзувчиси Лев Толстойнинг ҳаётий кузатувлари икки жилддан иборат бўлиб, унга кирган талай мулоҳазалар дунё миқёсида афоризмлар ўла-

роқ қадр топган. Ана, жаҳон мутафаккирлари ҳикматлари ё афоризмлари номи остида чоп этилаётган китобларни варақлаб кўринг, аксариди Толстойнинг мушоҳадаларига дуч келасиз. Хўш, нега? Чунки Ҳайём ҳам, Тостой ҳам, таъбир жоиз бўлса, қуёш қадар улкан маънони томчи қадар мўъжаз шаклда акс эттира олганлар. Қатралар, янқалар, томчилар, ҳикматлар, афоризмлар, мушоҳадалар, кузатувлар, топишмоқлар, маталлар каби ҳажман қисқа, лекин маъно жиҳатидан салмоқдор бўлган битикларни ўзбек олими, филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Саримсоқов адабий турларнинг янги, тўртинчи тури, яъни паремик тур деб атаганди. Нима бўлганда ҳам, одамлар орасида, айниқса, кейинги вақтларда айнан шу турга бўлган қизиқиш кучайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Чунончи, ҳозир ижтимоий тармоқларда мавжуд афоризмлару кичик ҳаётий кузатишларни ўзаро улашиш урф бўлди. Нафақат мавжудларини, балки соҳаларидан қатъи назар, одамлар фејсбук саҳифаларида ҳаёт ҳақида ўйлаганларини ҳикматлар шаклида эълон қилишдан завқ олаётганининг гувоҳи бўлиб бораяпмиз. Чунки замон тифиз, аммо инсонларнинг ҳикматга, адабиётга бўлган эҳтиёжлари яшамоқда, шу боис,

мўъжаз ҳажмларга «қамалган» кузатувларни ўзаро айирбошлаш уларга қўл келмоқда. Айтилганлардан «бундан буён фақат афоризм шаклидаги битиклар ўқилар экан» деган нотўғри хулоса келиб чиқмаслиги керак. Чунки улар эрамиздан аввал ҳам, эрамизнинг турли даврларида ҳам бўлган. Чунончи, Эзоп номига боғланадиган масалларни ёки буюк Шарқ адабиёти қатига яширилган ҳикматлару ривоятларни олинг. Уларнинг ҳам ҳажми, одатда, жимитдек бўлган. Бугунга келиб эса, паремик тур жанрларига бўлган эҳтиёж замон шиддати натижасида бирмунча ошди. Гап шу ҳақида кетаяпти.

Ўткирбек Давлетовнинг «Жавонимдаги жавоҳирим» номли китобчасини ўқир эканман, хаёлимда кичик жанрлар билан боғлиқ ана шундай мушоҳадалар жонланди. Мен Ўткирбекни ҳаётда ҳали кўрмаганман, ёзувларини ўқиб, қизиқиб ёшини суриштирсам, 30 лар атрофида экан. Одатда, бу хил битиклар инсон маълум бир ёшга етганда, ҳаётий тажрибаси, кузатувлари қаймоқ боғлаганда қорозга тушар эди. Лекин буни қарангки, Ўткирбек бор-йўғи 30 ёш атрофида экан. «Бу ёғи қандоқ бўлди?» дедим ўзимга ўзим. Кейин бирдан устоз Озод Шарафиддиновнинг талабалик йилларимда машқларимни ўқиб

бера туриб, «Розановнинг кундаликлари-ни ўқинг» дегани ёдимга тушиб кетди. Рус файласуф ва танқидчиси В.В.Розанов кундаликларида ҳам деярли ҳамма нарса бор эди: кузатишлар, ҳикматлар, мушоҳадалар, хулосалар... Ва буларнинг бари анчайин мураккаб услубда баён этилганди. Демак, бу ишлар ҳам ёш танламас экан-да. Танлаганда эди, тажрибали Озод домла шеърлар қоралаб юрган бир ўзбек талаба йигитига «Розановни мутолаа қилинг!» дея маслаҳат бермасди. Ўткирбекнинг ёзувлари ҳар хил мавзуларга ажратилган. Мен ҳар бир мавзуга алоҳида тўхталиб, буниси зўр, униси эса ғўр, дея баҳолаб ўтирмайман. Энг муҳимини айтишга ҳаракат қиламан: у ҳам бўлса, битиклар замирида муаллифнинг олам ва одамга бўлган тирик МУНОСАБАТининг борлигидир. МУНОСАБАТ сўзини бежиз катта ҳарфларда ёзмадим. Кузатишимча, олам ва одамга, унинг таврига муайян муносабати шаклланган инсонгина қўлига қалам олиб, шу хил битикларни ёза олади. Энг муҳими ана шу муносабатнинг борлигида. Кузатиб кўринг, ҳар бир воқеа-ҳодисага у ёки бу даражада ўз муносабати шаклланган ватандоши мўл мамлакатлар бугун ривожланган мамлакатлар қаторида саналади, саналмоқда. Аксинча, ҳамма ма-

салада ўзгаларнинг фикрини дастак қилиб олувчилари кўп юрт ўзгаларга эргашади, эргашмоқда. Тилагим, юртимизнинг ўғил-қиз фарзандлари ҳар соҳада, ҳар жабҳада ўз фикрига, мустақил нуқтаи назарига эга бўлсин!

Тўпламга киритилган айрим кузатувлар халқимиз менталитети, дунёқараши негизда туғилган бўлса, айримлари муаллифнинг ўзига хос ёндашуви сифатида қоғозга тушган. Яна шундайлари борки, улар бирмунча жўн ифода қилинган. Яна насрда битилган фикр-мулоҳазалар назмда битилганидан яхшироқ чиққанлигини ҳам айтиш жоиз. Чунки назмнинг алоҳида тили бор. Қофия ва оҳанггагина бўйсуниб қолмаган алоҳида тили тўғрисида сўз кетаяпти бу ўринда. Ўйлайманки, Ўткирбек ҳали ҳаётни, одамларни, воқеа-ҳодисаларни кўп кузатади, уларнинг моҳиятига янада чуқурроқ кириб, ҳар бир масалада ўзигагина хос бўлган оригинал мулоҳазаларини оригинал ифодаларда айтади. Зеро, унда энг муҳими бор: МУНОСАБАТ! Энди ана шу МУНОСАБАТдан йироқ тушилмаса, бас.

*Улуғбек ҲАМДАМ,
2017 йил, 26 июн*

ВАТАН

Ватан – ғурурим, ифтихорим, иззату шоним, қадр-қимматим.

* * *

Ватанин севган оиласин қилади хурмат,
Наслин ўйлаган аёлин қилади иззат.

* * *

Ватанга хизмат қиламан деган инсонда мансаб бўлиши шарт эмас.

* * *

Ўз онасига меҳри бўлмаган инсон ватанпарварлик тўғрисида ўйламайди.

* * *

Ватанни севган инсонлар комилликка интилади.

* * *

Инсон саломатлиги учун ички касалликлар қанчалик хавф туғдирса, онгимиздаги айрим иллатлар ҳам Ватанимиз равнақи, бугуни ва эртасига шунчалик хавф солишини бир зум

ҳам унутмаслик керак. Булар – тамагирлик, по-
рахўрлик, очкўзлик, ҳасадгўйликдир.

* * *

Ватанни севмоқ учун ҳам илм керак.

* * *

Ватан сизга сўрамаганингизда ҳам бериб
турган жойда, сиз нимага энди бермасдан
сўрайсиз.

* * *

Ватанимни севаман деб кўп гапиравера-
диганларнинг оиласига, шу юрт равнақида
менинг ҳам ҳиссам катта, деяверадиғанлар-
нинг фарзандларига бир назар ташлашнинг
ўзи кифоя.

АЁЛ ВА ОНА

Сизни деб ўзини унутган аёлингизни сиз
ҳеч қачон унутманг.

* * *

Аёлига қараб эрига берилган баҳо энг
тўғри баҳо.

* * *

Сизни тушунган аёлингизни хурматини жойига қўйинг. Зеро, сизни шону шуҳратга ҳам, молу давлатга ҳам элтувчи удир.

* * *

Сиз қайсидир ҳудуд ёки жой аҳолиси ҳақида билмоқчимисиз, унда ҳеч иккиланмай у ердаги аёлларни ва уларга бўлаётган муносабатларни кузатинг.

* * *

Аёл...

Чиройингиз деб гуллар навбат талашар,
Хуснингизни кўрарда кўзлар қамашар.
Ҳатто ой кўкда мен каби ўзни унутиб,
Зухро юлдуз ҳавас-ла сизга мўралар.

* * *

Эрни кетганда кулиб, келганда меҳр билан кутиб олувчи бекаси бор оилада ўтган умр мазмунли, аксинча бўлса, уволдир.

* * *

Онанинг меҳри булоққа ўхшайди. Тўхтамай қайнайди, лекин ҳеч тугамайди.



КІТОВХОН

BILIMLAR XAZINABONI

Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq
versiyasi

<https://kitobxon.com/oz/asar/4144>
saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг
тўлиқ версияси

<https://kitobxon.com/uz/asar/4144>
сайтида.

Это был ознакомительный отрывок.
Полную версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4144>